

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШУХРАТОВ ШАРОФ ШУХРАТОВИЧ**

**ПАХТАНИ ЙИРИК ЧИҚИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧНИНГ ИШЧИ  
ОРГАНЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ВА ИШЛАШ РЕЖИМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ  
УСЛУБЛАРИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва  
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Шухратов Шароф Шухратович**

Пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг ишчи органлари  
конструкцияларини такомиллаштириш, параметрларини ва ишлаш  
режимларини ҳисоблаш услублари..... 3

**Шухратов Шароф Шухратович**

Совершенствование конструкций, методы расчета параметров и  
режимов работы рабочих органов очистителя хлопка от крупного сора.. 21

**Shukhratov Sharof Shukhratovich**

Improving designs, methods for calculating the parameters and operating  
modes of the working bodies of the cotton cleaner from large litter 39  
.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШУХРАТОВ ШАРОФ ШУХРАТОВИЧ**

**ПАХТАНИ ЙИРИК ЧИҚИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАГИЧНИНГ ИШЧИ  
ОРГАНЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ВА ИШЛАШ РЕЖИМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ  
УСЛУБЛАРИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва  
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Г78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш [www.titli.uz](http://www.titli.uz) веб-саҳифасида ва “Ziyonet” Ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Максудов Равшан Хасанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий  
оппонентлар:**

**Шин Илларион Георгиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Муродов Рустам Муродович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “29.07” соат 11-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (78-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил 25 июль куни таркатилди.  
(2020 йил “25” даги 78 рақамли реестр баённомаси).



**Б.Онорбоев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.Гуламов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**Ш.Хакимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёларидан бири ҳисобланади. Халқаро консултатив қўмита (ICAC) маълумотларига кўра “пахта толаси экспортёрлари бешталигига АҚШ, Ҳиндистон, Австралия, Бразилия ва Ўзбекистон ҳамда импортёрлар Бангладеш, Вьетнам, Хитой, Туркия ва Индонезия мамлакатлари киради”<sup>1</sup>. Пахта тозалаш саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналарида техник восита ва технологияларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон бозорида юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жаҳонда пахта тозалаш корхоналарида юқори самарадорликка эга бўлган технологик машиналарни такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибасида пахтани дастлабки ишлашнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли назарий ва комплекс тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, пахтани титиш, ифлос аралашмалардан тозалашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, тозалагичларнинг ресурстежамкор ишчи органлари конструкцияларини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида маҳсулот сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилувчи техникавий ечимларни, йирик ифлосликлардан тозалашнинг оптимал вариантларини амалга ошириш имконини берувчи математик моделлар, уларнинг ечимлари асосида параметрларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда пахта тозалаш саноати корхоналарини техника ва технологияларини такомиллаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, пахта хомашёсини қайта ишлаш рентабеллиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, пахта толасининг табиий хусусиятларини максимал сақлаган ҳолда, пахта таркибидаги йирик ифлосликларни ажратишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, тозалаш жараёнини жадаллаштириш имкониятини берадиган пахта тозалаш агрегати йирик чиқиндилардан тозалаш секциясининг модернизацияланган самарали конструкциясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон ва “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Пахта тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича бир қатор чет эл олимлари В.Arindam, V.Langenhove, J.S. Manohar, A.K. Rakshit, J.Simpson, W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M. Sutton, P.A.Boving, V.G. Arude, S. J.W.Laird, S.K. Shukla, T.S. Manojkumar, D.W. Van Doorn, B.M. Norman ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Пахтани ифлос аралашмаларни тозалаш техника ва технологияси, асосий ишчи қисмларнинг параметрлари ва ишлаш режимлари такомиллаштириш бўйича қатор олимлар, шу жумладан, Г.И.Мирошниченко, С.Д.Болтабаев, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, Г.И.Болдинский, Р.В.Корабельников, Б.И.Роганов, И.К.Хафизов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Муродов, Э.Т.Мақсудов, Н.З.Камолов, Р.Х.Мақсудов, Ш.Хакимов, Д.М.Мухаммадиев, И.Қ.Собиров, Х.Қ.Рахмонов, И.Д.Мадумаров, Х.Усманов, Р.Расулов, О.Муродов, Қ.Олимов ва бошқалар бу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Олиб борилган аналитик таҳлиллар шуни кўрсатдики, чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш машиналари ва таҳлили уларнинг ишчи қисмлари самарадорликларини ошириш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-15-061. “Пахтани майда ва йирик чиқиндилардан тозалагичларнинг янги юқори самарали ишчи органларини ва механизмларини ишлаб чиқиш” (2010); И-09-20. “Ўрта толали чигитли пахталар учун юқори самарали тозалагичларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2010); ИТД-9-03. “Пахта саноати технологик машиналарининг юритгич механизмлари схемаларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш” (2012-2014) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини аниқлаш асосида тозалаш самарадорлигини оширишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг самарали ишчи органларини ишлаб чиқиш;

пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг аррали ва чўткали барабанлар юритмасининг машина агрегати ҳаракатини ифодаловчи математик моделни тузиш, масалани сонли ечими асосида оптимал параметрларни ва режимларини аниқлаш;

иш унуми ўзгаришини аррали ва чўткали барабанлар параметрларига боғлиқлик графикларини олиш, инерцион-бикрлик параметрларини асослаш;

йирик ифлосликлардан тозалагичнинг юқори ва пастки тозалаш зонасидаги колосникларнинг тебранишини ўрганиш;

аррали ва чўткали барабанларнинг ҳаракат қонуниятларини экспериментал усулда аниқлаш, тозалаш самардорлигини ошириш учун иш режимларини асослаш;

эксцентритетли тарангловчи роликли тасмали узатма параметрларини ишчи органлар ҳаракат режимларига ҳамда пахта тозалаш самардорлигига таъсирини ўрганиш;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасининг тозалаш зонаси параметрларини асослаш;

такомиллаштирилган пахта тозалагичнинг ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва уни қўллашдан олинадиган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тозалаш машинасининг пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш қисми ишчи органлари конструкциялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қайишқоқ асосга ўрнатилган колосник конструкциясини, уларнинг ҳисоб схемаларини, чўткали ва аррали барабан юритмаларини математик моделларини ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини ўзаро боғлиқлик графиклари ва оптимал қийматлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, технологик машиналарнинг иш жараёнларини математик моделлаштириш, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва режалаштиришнинг математик статистикасига асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тебранувчи колосникли йирик ифлосликлардан тозалаш секциясининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

аррали ва чўткали барабан юритмасини ўз ичига олган йирик ифлосликлардан тозалаш машина агрегатларининг динамик масалаларини ечиш асосида ишчи органларнинг бурчак тезликларини ўзгариш қонуниятлари аниқланган. Тозалаш ва титиш жараёнидаги асосий юкланиш аррали-колосник системасининг юқори зонасида эканлиги аниқланди;

йирик ифлосликлардан тозалагичнинг тасмали узатмаси бикрлик коэффицентини ўзгаришининг бурчак тезликларнинг нозичикли ўзгаришига боғлиқлик графиклари тузилди. Тасмали узатманинг айланма бикрлик коэффицентини ортириш бурчак тезликларнинг нотекислик коэффицентларини камайишига олиб келиши аниқланди;

математик моделлар қуриш орқали пахтадан келаётган технологик қаршилиқнинг резина асосли колосникнинг силжиш ва тезлик амплитудаларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари қурилди. Колосникнинг тебраниш частотаси ва амплитудаси ортиши билан тозалаш самараси ортади;

узатма параметрлари ва электр юритгичдаги юкланишларнинг бурчак тезликлар ўзгаришига боғлиқлик қонуниятлари олинди, уларни тозалаш самарадорлиги юқори, толанинг шикастланиши паст ва ифлосликнинг пахта билан ўтиб кетиши камаядиган қийматлари асосланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

юқори ва пастки тозалаш зонаси учун ҳар хил қалинликдаги резина втулкали колосниклар ва ҳар хил диаметрли ташувчи чўткали барабанлар конструкциялари яратилди;

йирик ифлосликлардан тозалашда юқори ва пастки тозалаш зоналари учун колосникларнинг талаб қилинган амплитудаларини таъминлаш учун колосник массаларини мақбул қийматларини тавсия қилиши натижасида тозалаш самарадорлиги ортди;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида тозалаш машинаси параметрларининг оптимал қийматлари ишлаб чиқилди: иш унуми – 6,15 tonna/soat; юқори колосникнинг резина втулкаси қалинлиги –  $2,6 \cdot 10^{-3}$  m; пастки колосникнинг резина втулкаси қалинлиги –  $1,3 \cdot 10^{-3}$  m. Омилларнинг ушбу қийматларида пахта тозалагичнинг самарали ишлаши кузатилди, яъни тозалаш самарадорлиги 90% дан ортиқ бўлди.

Ишлаб чиқариш тажрибаларидан аниқландики, УХК тозалаш агрегатида қўлланиладиган колосник резина втулкаси қалинлиги юқори зонада пастки зонадагига нисбатан (10-15%) катта бўлганда ва кирувчи чўткали барабан диаметри чиқувчи чўткали барабан диаметрига нисбатан (5-10%) кичик бўлиши – тозалаш самарасини мавжуд колосник панжарасини қўллашга нисбатан ўртача 16,14%га ошади, чигитнинг механик шикастланиши 1,46% га, пахтадаги эркин тола миқдори эса 2,0 баробарга камаяди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларини бири-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек, натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқилаётган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти аррали ва чўткали барабанлар юритмаларининг машина агрегати динамика масаласи ечилди, математик модели олинди, ишчи органларнинг ҳаракат режимлари таҳлил қилинди, параметрлари асосланди, юқори ва пастки тозалаш зоналари учун колосникларнинг тебранма ҳаракат қонуниятлари аниқланди, қайишқоқ таянчларнинг қалинликлари асосланди, система ҳаракатига инерцион-бикрлик ва юкланиш характеристикалари



таъсири ўрганилди, тозалаш самардорлигини оширишни таъминлайдиган параметрларини танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тозалагичнинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилди, аррали ва чўткали барабан ҳаракат режимлари ва параметрлари ҳамда толанинг табиий хусусиятларини юқори даражада сақлаган ҳолда тозалаш самардорлигини ортишига имкон берувчи колосниклар тебраниши ҳисобига пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш самараси ошганлиги, маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий натижалар асосида:

Тавсия этилган пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг аррачали тозалаш секциясини такомиллаштириш бўйича интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделига патент олинган (Пахта тозалаш агрегатининг аррачали тозалаш секцияси UZ №FAP 00947), натижада пахтани йирик чиқиндилардан тозалашнинг самарали технологияси яратилган;

пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг такомиллаштирилган тозалаш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги “Олимкент” корхонасида

2014 йил жорий этилган. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 17 апрелдаги 02-32/2371 сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши умумий тозалаш самардорлиги 3,23% га ошишини, тола ифлослиги ва нуқсонлар йиғиндиси 0,48% га, чигитнинг механик шикастланиши 1,32% га, тозаланган пахтадаги эркин толалар миқдори 0,115% га камайишини таъминлайди;

такомиллаштирилган юритиш механизмлари бўлган тозалаш агрегатини “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги “Пискент” пахта тозалаш корхонасида 2018 йил жорий этилган. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 17 апрелдаги 02-32/2371 сон маълумотномаси). Натижада, умумий тозалаш самардорлиги 13,14% га ошишини, тола ифлослиги ва нуқсонлар йиғиндиси 0,55% га, чигитнинг механик шикастланиши 1,05% га, тозаланган пахтадаги эркин толалар миқдори 0,103% га камайишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 16 та республика халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.


**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган. Жумладан, 3 та чет эл мақоласи чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобда пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичлар конструктив хусусиятлари, такомиллаштириш бўйича илмий ишлар таҳлили келтирилган. Юқори самарали пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш секциясининг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаш принципи берилган. Мақсад ва вазифалар асосланган.



**1-расм. Пахтани тозалаш агрегатининг аррачали тозалаш секцияси.**

Тавсия қилинган тозалагичнинг аррали секцияси корпус 1, иккита параллел ўрнатилган транспортировка қилувчи 2 ва 3 чўткали барабанлар, бунда барабан 3 диаметри биринчисига нисбатан ( $5 \div 10\%$ ) катта қилиб олинган. Шунингдек, тозалагичда юқори 4 ва пастки 5 аррачали барабанларни, уларнинг тагидаги 6 ва 7 колосникларни ўз ичига олади. Колосниклар корпус 1 га резинали таянчлар орқали ўрнатилган бўлиб, 8 резинали втулкалар қалинлиги 9 резинали втулкалар қалинлигидан ( $10-15\%$ ) каттароқ қилиб олинган (1-расм).

Конструкцияни ишлаш жараёнида 2 ва 3 чўткали барабанлар пахтани 4 ва 5 аррачали барабанлар сиртига узатиб беради. 4 ва 5 аррачали барабанлар арра тишлари пахтани илиб олиб ўтади, чиқиндилар ажратилади ва шнек 10 орқали

чиқариб юборилади. Бунда пахта тикилиши бўлмайд, чунки 3 чўткали

барабанлар чизикли тезлиги юқори бўлиши ҳисобига таъминланади. Биринчи тозалаш зонасида 4 аррачали барабанлар ва 6 колосникларда, резинали втулкалар 8 деформацияланиши юқори, частотаси кичик бўлади, бунда пахта яхши титилишига имкон беради. Кейинги тозалаш зонасида эса резинали втулкалар 9 қалинлиги кичик, бунда тебраниш амплитудаси кам, частотаси юқори бўлиб, титилган пахтадаги чиқиндилар ажралиши интенсивлашади.

Диссертациянинг **“Йирик чиқиндилардан тозалаш зонаси параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар”** деб номланган иккинчи бобида тавсия қилинган пахта тозалагич аррачали секцияси ишчи органлари ҳисоб схемалари, электр юритгич механик характеристикаси қайишқоқ узатмалар қайишқоқлик-диссипатив характеристикалари ва пахтадан келаётган қаршилик моментларини инобатга олиб математик моделлари келтирилган. Масалаларнинг сонли ечимлари асосида ишчи органлар ҳаракат қонунлари, боғланиш графиклари олинган, таҳлиллар асосида тавсия параметрлари берилган. Чўткали барабанлар юритиш механизмларини ўз ичига олган машина агрегати ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини Лагранжнинг II-тартибли тенгласидан фойдаланиб келтириб чиқарилди:

$$\begin{aligned} I_{11}\ddot{\varphi}_{11} &= M_{g1} - C_{11}(\varphi_{11} - U_{12}\varphi_{12}) - b_{11}(\dot{\varphi}_{11} - U_{12}\dot{\varphi}_{12}); \\ I_{12}\ddot{\varphi}_{12} &= U_{12}C_{11}(\varphi_{11} - U_{12}\varphi_{12}) + b_{11}U_{12}(\dot{\varphi}_{11} - U_{12}\dot{\varphi}_{12}) - M_c \end{aligned} \quad (1)$$

Бу ерда,  $I_{11}, I_{12}, \dot{\varphi}_{11}, \dot{\varphi}_{12}$  – электр юритгич ротори ва чўткали барабан инерция моментлари ва бурилиш бурчаклари;  $C_{11}, b_{11}, U_{12}$  – тасмали узатма қайишқоқлик ва диссипация коэффициентлари ҳамда узатма узатиш нисбати;  $M_c$  – пахта қаршилик momenti.

Худди шунингдек, аррачали барабанлар ва шнек юритма механизмларини ўз ичига олган машина агрегати ҳаракатини ифодаловчи тенгламалар системаси:

$$\begin{aligned} I_{21}\ddot{\varphi}_{21} &= M_{g1} - C_{21}(\varphi_{21} - U_{12}\varphi_{22}) - b_{21}(\dot{\varphi}_{21} - U_{12}\dot{\varphi}_{22}); \\ I_{22}\ddot{\varphi}_{22} &= U_{12}C_{21}(\varphi_{21} - U_{12}\varphi_{22}) + U_{12}b_{21}(\dot{\varphi}_{21} - U_{12}\dot{\varphi}_{12}) - C_{22}U_{23}(\varphi_{22} - \\ &U_{23}\varphi_{23}) - C_{23}U_{24}(\varphi_{22} - U_{24}\varphi_{24}) - b_{22}U_{23}(\dot{\varphi}_{22} - U_{23}\dot{\varphi}_{23}) - b_{23}U_{24}(\dot{\varphi}_{22} - \\ &U_{24}\dot{\varphi}_{24}) - M_{c2}; \\ I_{23}\ddot{\varphi}_{23} &= U_{23}C_{22}(\varphi_{22} - U_{23}\varphi_{23}) - U_{23}b_{22}(\dot{\varphi}_{22} - U_{23}\dot{\varphi}_{23}) - M_{c3}; \\ I_{24}\ddot{\varphi}_{24} &= U_{24}C_{23}(\varphi_{22} - U_{24}\varphi_{24}) + b_{23}U_{24}(\dot{\varphi}_{22} - U_{24}\dot{\varphi}_{24}) - M_{c4} \end{aligned} \quad (2)$$


Бу ерда,  $I_{21}, I_{22}, I_{23}, I_{24}$  – ишчи органлар инерция моментлари;  $C_{21}, C_{22}, C_{23}, b_{21}, b_{22}, b_{23}, U_{12}, U_{23}, U_{24}$  – тасмали узатмалар мос равишда бикрлик ва диссипация коэффициентлари ҳамда узатма узатиш нисбатлари;  $M_{c2}, M_{c3}, M_{c4}$  – пахтадан ишчи органларга тушадиган қаршилик кучлари моментлари.

Асинхрон юритгич И.С.Пинчук томонидан тавсия қилинган механик характеристика орқали инобатга олинди:

$$\frac{1}{2\omega M_k} - \frac{dM_g}{dt} + \frac{S_k}{2M_k} M_g = \frac{\omega_0 - \frac{d\varphi_g}{dt}}{\omega_0} \quad (3)$$

Бу ерда,  $M_g, M_k$  – электр юритгич моменти ва унинг критик қиймати;  $S_k$  – критик сирпаниш;  $\omega$  – бурчак тезлик;  $\omega_0, \omega_c$  – идеал ҳолат бурчали частотаси ва манбаа бурчакли частотаси.

Олинган (1) системани сонли ечими ПК да параметрларнинг қуйидаги қийматларида амалга оширилди:  $N = 4,5 \text{ kVt}$ ,  $n = 945 \text{ ayl/daq}$ ,  $\dot{\phi}_{11} = \dot{\phi}_{12} = 08,9 \text{ s}^{-1}$ ;  $U_{12} = 1,0$ ;  $C_{11} = (200 \div 400) \text{ Nm/rad}$ ;  $b_{11} = (10 \div 12,5) \text{ Nms/rad}$ ;  $M_c = [(25 \div 45) \text{ Nm} + (3,5 \div 4,5) \sin \omega t] \text{ Nm}$ ;  $J_{11} = 0,0026 \text{ kgm}^2$ ;  $J_{12} = 0,0036 \text{ kgm}^2$ .



**2-расм. Чўткали ва электр юритгич валларидаги бурчак тезликларнинг нотекислик коэффициентларини пахтадан келаётган қаршилик моменти (а) ва узатма бикрлик коэффициенти (б) га боғлиқ графиклари**


Масала ечими асосида асинхрон электр юритгич ротори ва чўткали барарбан бурчак тезликларини ўзгариш қонунлари олинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики система  $4,5 \text{ tonna/soat}$  иш унумида  $(0,42 \div 0,51) \text{ s}$  да ишчи режимга чиқади. Иш унумининг ортиши ушбу вақтни кўпайишига олиб келади. Олинган ҳаракат қонунларининг таҳлили асосида боғланиш графиклари қурилди, улар 2-расмда келтирилган.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатадики, юкланиш  $6,0 \text{ Nm}$  дан  $53 \text{ Nm}$  гача ортганда чўткали барабан бурчак тезлигини нотекислик коэффициенти  $0,018$  дан  $0,12$  гача, юритгич роторидаги  $\delta_{12}$  эса,  $0,009$  дан  $0,026$  гача ночизикли қонуниятда ортиши  $C_{12} = 200 \text{ Nm/rad}$  бўлганда аниқланди. Узатма бикрлик коэффициенти  $400 \text{ Nm/rad}$  бўлганда  $\delta_{12}$  қиймати  $(0,015 \div 0,087)$ , роторда эса  $(0,006 \div 0,034)$  қийматлар бўйича ортади ҳолос.

Таҳлиллар асосида  $\delta_{11} = (0,007 \div 0,03)$  ва  $\delta_{12} = (0,01 \div 0,07)$   $C_{11} = (350 \div 400) \text{ Nm/rad}$  оралиғида бўлиши тавсия этилади.

Тозалагич аррачали барабанлари, шнек юритиш механизмлари бўлган машина агрегати масаласини сонли ечими асосида ишчи органлар ҳаракат қонунлари аниқланди, боғланиш графиклари қурилди. Машина агрегатини айланувчи валларини қонуниятининг таҳлили системани  $P_p = 4,0 \text{ tonna/soat}$ , бўлганда  $0,051 \text{ s}$  да ва  $P_p = 6,0 \text{ tonna/soat}$  бўлганда  $0,079 \text{ s}$  да барқарор режимга чиқишини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, аррали барабаннинг бурчак тезлигини тебраниши, асосан, қуйидаги параметрларга: тозаланадиган пахта хом-ашёсини технологик юкланишларини, аррали барабаннинг инерция


моментиға, машина агрегатида қайишқоқ узатмаларни қайишқоқ-диссипатив хусусиятларига боғлиқ. 3-расмда аррали барабанларни, шнекни, электр юритгич роторини бурчак тезликларини машинанинг унумдорлигига боғлиқ ўзгариши графиклари келтирилган. Унумдорлик 1,0 tonna/soat дан 6,0 tonna/soat гача ошганда юқори аррали барабанларнинг бурчак тезлигининг қамрови  $3,6 \text{ s}^{-1}$  дан  $38,7 \text{ s}^{-1}$  гача чизиксиз қонунда ошади. Бунда пастки аррали барабаннинг бурчак тезлигининг қамрови юқоридаги барабанга нисбатан жуда кам.  $\Delta\dot{\phi}_{23}$   $2,7 \text{ s}^{-1}$  дан  $33,2 \text{ s}^{-1}$  гача ортганда жуда кам бўлади.



**3-расм. Машина агрегати валини бурчак тезлигини ва буровчи моментини ўзгариш қамровини пахта тозалагич иш унумдорлигига боғлиқлик графиги.**

Бунда пастки аррали барабаннинг юкланишини ўзгариши текисроқ бўлади ва шунинг учун ушбу аррали барабанни тебраниши қамрови юқоридагига қараганда  $(5,0 \div 8,0) \text{ s}^{-1}$  га кам.  $\Delta\dot{\phi}_{24}$  нинг ўзгариши кичик бўлиб,  $(2,1 \div 13,5) \text{ s}^{-1}$  га тенг. Бу эса технологик юкланишларнинг нисбатан пастлиги, шунингдек, шнекнинг инерция моментини қийматини катталиги,  $J_{24} = 0,24 \text{ kgm}^2$  билан тушунтирилади.

Тажриба натижаларини ҳисобга олган ҳолда кўроқ қулай қийматлар:  $\Delta\dot{\phi}_{21} = (18 \div 20) \text{ s}^{-1}$ ;  $\Delta\dot{\phi}_{22} = (26 \div 30) \text{ s}^{-1}$ ;  $\Delta\dot{\phi}_{23} = (20 \div 23) \text{ s}^{-1}$ ;  $\Delta\dot{\phi}_{24} = (8,0 \div 10) \text{ s}^{-1}$ , ҳисобланиб, бунда  $P_p \leq 6,0 \text{ tonna/soat}$  таъминланган. Тасмали узатмаларнинг бикирлик коэффицентини ошириш валларнинг бурчак тезлигининг қамровининг чизиксиз қонуниятда камайишига олиб келади (4-расм). Бунда  $C_2$  110 Nm/rad дан 745 Nm/rad гача оширилганда  $\Delta\dot{\phi}_{22}$   $52,0 \text{ s}^{-1}$  дан  $19 \text{ s}^{-1}$  гача пасаяди. Шунингдек, бурчак тезлигининг қамрови шнекни ҳаракатлантирувчи тасмали узатманинг доиравий бикирлик коэффицентини  $C_{23}$  ни ортишида  $18,5 \text{ s}^{-1}$  дан  $4,6 \text{ s}^{-1}$  гача пасаяди.



1 -  $\Delta\dot{\phi}_{22} = f(C_{21})$ ; 2 -  $\Delta\dot{\phi}_{23} = f(C_{22})$ ;  
 3 -  $\Delta\dot{\phi}_{21} = f(C_{21})$ ; 4 -  $\Delta\dot{\phi}_{24} = f(C_{23})$ ;  
 Бунда  $\Pi_p=6,0$  tonna/soat

#### 4-расм. Электр юритгич, аррали барабан ва шнек валларининг бурчак тезликларининг қайишқоқ узатманинг доиравий бикрлик коэффицентига боғлиқлик ўзгариши.

Аррали барабанни, шнекни ва электр юритгич роторининг бурчак тезликларини зарур текислигини таъминлаш учун доиравий бикрлик коэффицентининг тавсия қилинган қийматлари:  $C_{21} = (600 \div 620) \text{Nm/rad}$ ;  $C_{22} = (480 \div 500) \text{Nm/rad}$ ;  $C_{23} = (400 \div 420) \text{Nm/rad}$ . Бикрлик коэффицентининг тегишли қийматлари учун «В» типдаги тасманинг куйидаги қийматлари  $b_{21} = (9,0 \div 10,0) \text{Nms/rad}$ ;  $b_{22} = (8,5 \div 9,0) \text{Nms/rad}$ ;  $b_{23} = (10,0 \div 11,0) \text{Nms/rad}$  тавсия қилинади. Аррали барабанни, шнекни ва электр юритгич роторини нотекислик коэффицентини таъминлаш учун машина агрегатининг инерция моментининг қийматлари:  $J_{21} = (0,002 \div 0,0095) \text{kgm}^2$ ;  $J_{22} = (0,12 \div 0,14) \text{kgm}^2$ ;  $J_{23} = (0,09 \div 0,1) \text{kgm}^2$ ;  $J_{24} = (0,22 \div 0,25) \text{kgm}^2$  ҳисобланади.

Колосникни мураккаб тебранишини ҳисобга олганда пахтани тозалаш жараёнига асосан, колосникнинг вертикал тебраниши таъсир қилади. Шунинг учун колосникни вертикал тебранувчи бир массали система деб қабул қиламиз.

Резина втулкали колосникни тебранма ҳаракатини дифференциал тенгламаси куйидаги кўринишда олинди:


$$m\ddot{x} + b\dot{x} + cx = F_1 \sin \omega t \pm \delta F_1 \quad (4)$$

Бу ерда,  $F_1$ -пахтани кўзғатувчанлигининг ўртача қиймати;  $\delta F_1$  – кўзғатувчанликнинг тасодифий ташкил қилувчиси.

(4) ни сонли ечими Рунге-Кутта методидан система берилганларнинг куйидаги қийматларида:  $m = (2,0 \div 3,5) \text{kg}$ ;  $c = (0,6 \div 1,6) \cdot 10^3 \text{ N/m}$ ;  $F_1 = (3,0 \div 10) \text{ N}$ ;  $\delta F_1 = (0,3 \div 1,0) \text{ N}$ ;  $b = (2,5 \div 6,5) \text{ Nms}$  келтирилган.

5-расмда тавсия қилинган пахта тозалаш агрегатининг аррачали тозалаш секциясининг резинали втулкали колоснигининг вертикал силжиши ва тебраниш тезлигининг ўзгариш қонунияти келтирилган. Бунда колосникни силжиши ва тезлигининг пахта қаршилигининг тасодифий ташкил қилувчиси унга таъсир қилмайди. Тозалаш агрегатининг унумдорлиги 3,5 tonna/soat да ва колосник параметрларининг берилган қийматларида унинг силжиш амплитудаси ўртача  $0,24 \cdot 10^{-3}$  м чегарасида ва мос равишда колосникнинг тебраниш тезлигининг амплитудаси  $(3,5 \div 5)$  м/с чегарасида ётади.

Тозалаш агрегатининг унумдорлигини 7,5 tonna/soat гача ортишида  $A_x = (0,8 \div 0,9) \cdot 10^{-3}$  м гача ва мос равишда  $A_{\dot{x}} = (7,1 \div 8,5)$  м/с га етади.



$\Pi_p = 3,5$  tonna/soat бўлганда.

**5-расм. Пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш агрегатининг қайишқоқ таянчли колосникларининг силжиши ва тебраниш тезлигининг машина унумдорлигига боғлиқ ўзгариш қонунияти.**

Бунда колосникларнинг тебраниш амплитудаси ва частотасининг ортиши тозалаш самарадорлигининг ўсишига олиб келади. Шунинг учун пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш агрегатининг юқори тозалаш қисмидаги колосникнинг тебраниш амплитудасини  $A_x \leq (1,5 \div 2,3) \cdot 10^{-3}$  м чегарасида таъминлаш учун резинали втулканинг бикрлик коэффицентини қийматини  $C = (1,0 \div 1,3) \cdot 10^{-3}$  N/m чегарасида танлаш мақсадга мувофиқдир. Тозалагичнинг пастки зонаси учун  $A_x \leq (0,8 \div 1,2) \cdot 10^{-3}$  м қийматни таъминлаш учун  $C = (1,8 \div 2,2) \cdot 10^{-3}$  N/m тавсия қилинади, бунда тозалаш самарадорлиги ошади, пахта толасининг шикастланиши камаяди ва пахта летучкасининг ифлосликлар билан чиқиши пасаяди.

Колосник массаси ортганда, колосникни силжиши ва тебраниш тезлигининг амплитудасини камайиши чизиксиз қонуниятда бўлади. Бунда массани 0,6 кг дан 4,5 кг гача ошишида резинали втулканинг бикрлик коэффицентини  $1,2 \cdot 10^{-3}$  N/m  $A_x$  ни  $2,62 \cdot 10^{-3}$  м дан  $0,47 \cdot 10^{-3}$  м гача ва  $A_{\dot{x}}$  ни 32,5 м/с дан 10,2 м/с гача пасайишига олиб келади. Бикрлик коэффицентини  $1,6 \cdot 10^{-3}$  гача ошириш  $A_x$  ни  $1,83 \cdot 10^{-3}$  м дан  $0,22 \cdot 10^{-3}$  м гача,  $A_{\dot{x}}$  ни 28,4 м/с дан 6,1 м/с гача пасайишига олиб келади.

Пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш агрегатининг юқори зонасида колосникнинг тебраниш амплитудасини  $A_x \leq (1,5 \div 2,3) \cdot 10^{-3}$  м чегарасида

таъминлаш учун колосник массасини  $m=(1,5 \div 2)$  kg, пастки зонасида  $A_x \leq (0,8 \div 1,2) \cdot 10^{-3}$  m ни таъминлаш учун  $(3,2 \div 3,6)$  kg тавсия қилинади.

Диссертациянинг “**Модернизация қилинган пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш секцияси тажрибавий тадқиқотлари**” деб номланган учинчи бобида ишчи органлари ҳаракати режимлари таҳлили, қайишқоқ таянчларга ўрнатилган колосниклар параметрлари тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тавсия қилинган конструкция тайёрланиб УХК агрегатига ўрнатилди ва тажрибалар амалдаги УХК билан таққосланган ҳолда ўтказилди.

Тажрибавий тадқиқотлари вазифаларига қуйидагилар киради:

- таққосланаётган тозолагичнинг пахтани йирик чиқиндилардан тозалаш зонаси ишчи органларининг айланиш частотани аниқланди;

- ишчи органларнинг бурчак тезлигининг нотекислик коэффициенти аниқланди;

- таққосланаётган тозолагичнинг тасмали узатма юритмасида эксцентрикли тарангловчи роликли ишчи органларни ҳаракат режимлари аниқланди.

Машинанинг иш унумдорлиги ошганда айланиш частотаси, шу билан бирга юқориги ва пастки тозалаш зоналаридаги барабанларнинг бурчак тезликлари чизиксиз қонуният билан камаяди.

Таъкидлаш лозимки, тозолагичнинг биринчи секцияси пастки барабанида айланиш частотаси унумдорлик  $6,0$  tonna/soat да,  $(282 \div 284)$  ayl/daq гача, унумдорлик  $14,0$  tonna/soat да,  $(274 \div 278)$  ayl/daq гача пасаяди. Олинган натижалар таҳлили пастки барабаннинг айланиш частотасининг ўзгариши юқори барабанга нисбатан  $(3,5 \div 8,5)$  ayl/daq чегарасида пасаяди. Бу эса, юқори зонага узатилувчи пахтани камроқ титилганлиги ва нотекислигига, тозолагичнинг пастки зонасида эса аксинча. Натижада, юқори барабанга нисбатан пастки аррачали барабанни юкланишини камайишига олиб келади. Шу сабабли, юқоридаги аррачали барабаннинг бурчак тезлигининг нотекислик коэффициенти  $0,021$  дан  $0,035$  чегарасида, пастки аррачали барабан учун эса  $(0,014 \div 0,025)$  чегарасида ўзгаради.

Таъкидлаш мумкинки, ишчи органларни (аррачали ва козиқли барабанларни) аниқ ва нотекис айланиши пахтани титилишини оширади, шунингдек, ундан ифлосликларнинг интенсив ажралишига олиб келади. Нотекислик коэффициентини ошириш учун: пахтани нотекис узатишни ошириш, инерция моментини камайтириш, узатмада кўпроқ эгилувчи тасмани танлаш ва хокозолар керак. Тажрибаларда аррали ва чўткали барабанларни нотекис айланишини ошириш учун таққосланаётган УХК агрегатининг узатмаларида тасмали узатмаларнинг тарангловчи роликларини турли эксцентриситетли вариантлар тайёрланди.

Машинанинг унумдорлиги ошганда аррачали барабанларнинг нотекис айланиши ортди. Тасмали узатмаларнинг роликларининг эксцентриситет қийматини ошиши юқори аррачали барабан бурчак тезлиги нотекислигини  $0,042$  дан  $0,082$  гача, пастки аррачали барабан учун  $0,4$  дан  $0,81$  гача



ортганлигини кўрсатди. Яъни улар орасидаги фарқ катта эмас. Пахтани йирик чиқиндилардан тозалагичнинг зарур бўлган интенсивлигини таъминлаш учун модернизация қилинган пахта тозалаш агрегатида тавсия қилинадиган қийматлар қуйидагича:  $\delta_B = \delta_H = (0,06 \div 0,08)$ ,  $e = (2,0 \div 2,3) \cdot 10^{-3} m$ .

Пахта тозалаш агрегатининг тавсия қилинадиган йирик ифлосликлардан тозалаш секциясининг параметрларини асослаш учун тўлиқ омилли тажрибалар ўтказилди. Кирувчи параметрлар учун,  $x_1$  – юқори колосникнинг резина втулкасининг қалинлиги;  $h_1$ ,  $10^{-3} m$ ;  $x_2$  – машинанинг иш унумдорлиги,  $\Pi$ , tonna/soat;  $x_3$  – пастки колосникнинг резина втулкасининг қалинлиги,  $h_2$ ,  $10^{-3} m$  танланди. Чиқувчи параметр сифатида пахтанинг тозалаш самарадорлиги танланди. Регрессив тенгламалар олинди,

2- нав пахта учун:

$$Y = 83,09 + 0,96X_1 - 1,27X_2 - 0,75X_3 - 2X_1X_2 - 0,35X_2X_3 + 0,28X_1X_2X_3 \quad (5)$$

4- нав пахта учун:

